

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FUNDAMENTALS OF JADID PEDAGOGY

Z. B. Ahrorova

Associate Professor of "Pedagogy and General Psychology", Faculty of Social Sciences, National University of
Uzbekistan, Candidate of Pedagogical Sciences

INTRODUCTION

Жадид маърифатпарвар зиёлилари орасида маориф, мактаб ишларини ташкил этиш ва унинг асосларини яратиш ишини бир бутун ҳолда қараб, бу йўлда ҳам кўп муваффақиятларга эришган. Ушбу асослар эса уларнинг усули жадид мактаблари учун яратган китоб ва қўлланмаларида акс этади. Жадид маърифатпарвар педагоглари орасида Маҳмудхўжа Бехбудий яратган усули жадид руҳидаги ўзбекча ва форсча дарсликлари ўз замонасидаёқ жуда машҳур бўлиб кетган ва улардан баъзилари қайта нашр этилган. Бехбудий яратган дарсликлар ҳақида кейинги вақтларда олимларимиз томонидан эълон қилинаётган мақола ва рисолаларда номлари қайд этилиб келинди. Булар 1990 йилда нашр қилинган Б. Қосимов ва У. Долимовларнинг "Маърифат дарғалари" номли китобида, Ш.Турдиевнинг 1994 йили "Мулоқот" журнаlining 3-4 қўшма сонларида эълон қилинган "Маҳмудхўжа Бехбудий" сарлавҳали мақоласида, А.Алиевнинг "Маърифат" газетаси 1993 йил

16 июнда "Маҳмудхўжа Бехбудий таълим-тарбия хусусида" мақоласи, Н.Авазовнинг 1993 йил чоп этилган "Маҳмудхўжа Бехбудий – маърифатпарвар" номли рисоласида тилга олиниб ўтилган. Олимларимиз томонидан келтирилган Бехбудий дарсликлари рўйхатига суянган ҳолда, адибнинг ўз муҳаррирлигидаги "Самарқанд" газети ва "Оина" журналларида доимо сўнгги саҳифадан жой олган "Усули жадид мактаби учун тайёр китоблар" сарлавҳаси остида санаб ўтилган китоблар рўйхатини келтириш мумкин. Булар қуйидагилар:

1. Алифбо мактаби исломия - форсча.
2. Китобат ул-атфол (Болалар учун китоб) - турк ва форсча тилларда.
3. Амалиёти ислом - туркий тилда
4. Мухтасари тарихи ислом - ўзбек тилида.
5. Мунтахаби жуғрофияи умумий - туркий тилда.
6. Мадҳали жуғрофияи имроний - Мухтасари жуғрофияи Русий форс ва ўзбек тилларида.

Ушбу рўйхатдан ташқари Б.Қосимовнинг "Ёшлик" журналада эълон қилинган "Қарвонбоши" мақоласида татар ёзувчиси Олимжон Иброҳимовнинг сўзларини келтиради. Унда шундай дейилган: "...дарсликларимиз оламинда Истанбулли Аҳмад Мидхатнинг "Хожа аввал"и, бизнинг "Муаллими аввал"имиз ўрнига аларнинг Хўжа Бехбудийлари "Адиби аввал"лар ёзғонлигин..." айтиб ўтади. Бундан ташқари Н.Авазов ўзининг "Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодий мероси" номли диссертациясида Бехбудий китоблари рўйхатида 1918 йилда яратилган "Ҳисоб" номли китобни ҳам келтиради. Юқоридаги далилларга суянган ҳолда айтиш мумкинки, Бехбудийнинг "Адиби аввал" ва "Ҳисоб" номли дарсликлари ҳам мавжуд бўлган. Лекин ҳалигача бу китоблар илмий жамоатчилик томонидан топилган эмас. Бехбудий дарсликлари тартибини юқорида номлари келтирилган олимларимиз

томонидан тузилган рўйхатларга ва Бехбудийнинг ўзи санаб ўтган китоблар рўйхатига суяниб, уларни қуйидагича келтириш мумкин:

1. Алифбо мактаби исломия. - 1904 йил. форс тилида. 40 саҳифа, 15 тийин.
2. Мадхали жуғрофияи имроний - Мухтасари жуғрофияи Русий (Аҳоли жуғрофиясига кириш). - 1905 йил, форс тилида, 88 саҳифа, 45 тийин.
3. Мунтахаби жуғрофияи умумий (+исқача умумий жуғрофия).
- 1906 йил, 124 саҳифа, 75 тийин.
4. Китобат ул-атфол (Болалар учун китоб). - 1908 йил. биринчи нашри, 1914 йил, иккинчи нашри, турк ва форс тилларида, 36 саҳифа, 15 тийин.
5. Амалиёти исломия - 1908 йил, турк тилида, 36 саҳифа, 15 тийин.
6. Мухтасари тарихи ислом (Ислоннинг қисқача тарихи). - 1909 йил, ўзбек тилида, 38 саҳифа, 15 тийин.
7. Ҳисоб. -1918 йил. (Ушбу "Ҳисоб" номли китоб ҳақидаги маълумотни Н.Авазовнинг "М.Бехбудийнинг ижодий мероси" диссертациясига ёзилган авторефератидан олдик. 1995 йил, 17 февраль, 12-бет.)

Main part

Юкорида Б.Қосимовнинг "Карвонбоши" мақолаида айтилган "Адиби аввал" дарслигини етарли даражада асосланмаганлиги, Бехбудийнинг ўзи ва бошқа олимлар томонидан қайд этилмаганлиги учун уни китоблар рўйхатига онгли суратда киритмадик. Муаллиф-нинг ўз китоблар рўйхатида "Мадхали жуғрофияи имроний ва Мухтасари жуғрофияи Русий китобларини тире билан битта тартибда беради. Демак, ушбу китоблар икки номдаги битта китоб дейиш мумкин.

Биз олиб борган изланишларимиз натижасида Россиянинг Москва шаҳридаги бош кутубхона фондида сақланаётган Бехбудийнинг "Мунтахаби жуғрофияи умумий" китобидан нусха кўчиртириб келтирдик ва Бехбудийнинг набираси, Самарқанд Давлат университети профессори Надимхон Бехбудий шахсий кутубхонасида сақланаётган "Китобат ул-атфол" номли дарсликларини топиб, тадқиқ қилишга муваффақ бўлдик. қолган дарсликлар ҳақида эса Бехбудийнинг ўзи "Оина" журнали ва "Самарқанд" газетида берган таърифларига суянган ҳолда ўз мулоҳазаларимизни баён этамиз.

М.Бехбудий жуғрофияга оид икки китоб ва бир неча мақоллар ёзган. Булар "Мунтахаби жуғрофияи умумий" ва "Мадхали жуғрофи-яи имроний", деб аталади. Ушбу мақолага оид "Жуғрофия илми", "Жуғрофия чист" , "Тарих ва жуғрофия" каби йирик мақолалари мавжуд. Бундан ташқари, муаллиф бу мавзуда ўша давр матбуотида тез-тез мурожаат қилиб турган.

"Мунтахаби жуғрофияи умумий" Бехбудийнинг биринчи жуғрофий китоби саналади. Китоб муаллиф таъкидлаганидек, усули жадид мактаблари шогирдлари учун яратилган. Дарслик муқовасида "Китоб. Мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия. Риё-зий, тарихий, имроний, русий, сиёсий ва татбиқот диния ва фанния" деган сўзлар билан бошланади. Ушбу ёзувлардан шуни англаш мумкинки, китоб мактаб шогирдларига содда ва тушунарли тилда энг умумий жуғрофий билим бериш учун яратилган. "Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм", деб бошланувчи сўз бошида муаллиф ушбу дарсликни яратиш учун "...туркий, арабий, форсий, русий лафзларга тасниф бўлган ўтуз қадар қадим ва жадид китоб ва арасоил жуғрофия, ҳайъат, риёзий, тарихий, табиийлардан мўътабар нусха" ларини кўриб чиқиб, улардан ижодий фойдаланиб, "жам ва тартиб" қилганлигини баён этади. Муаллиф жуғрофий

китобини ўз сарф-харажати эвазига яратилганлигини қайд этиб ўтади ва бу ишдан мақсади аҳли ватанга кўрсатган бир хизматимдир, дейди. Китобхонларга мурожаат этиб, агар китобда бирор бир камчилик кўрсангиз, албатта, бизга мурожаат этинг, шояд бу сизларнинг маориф тараққиётига хизматингиздир, дейди. Бехбудийнинг жуғрофий китоби 103 бетдан иборат бўлиб, унга ер шарининг хариталари илова қилинган. Мавзулар бирин-кетин оддий жуғрофий тушунчалардан аста-секин ривожланиб боради ва кичик-кичик мақолалар тарзида халқона услубда баён этилади. +олаверса, китоб усули жадид шогирдларига мўлжалланиб яратилганлиги учун ҳам оддий иборалардан, ўринли ўхшатишлардан фойдаланишга ҳаракат қилинган. Буни биз мавзуларга қўйилган сарлавҳалардан ҳам кўраимиз. Булар: "Жуғрофия қачон пайдо бўлган?", "Туркистон донишмандлари", "Жуғрофия ўқимокнинг нафиқ", "Жуғрофия ўқумок мусулмонларга лозимдур", "Эски ва янги донишмандлар", "Янгиҳуқомоларнинг сўзларидан намуналар", "Ерни шакли", "Ҳуқомолар қавлича ерни юмалоқлигини аломатлари", "Тоғ ва сойлар ерни юмалоқлигига зарар қилмайдур", "Ер айланганда устидагиларнинг йиқилмаслиги" каби. Ушбу сарлавҳалар остида эса бу илмнинг афзаллиги, уни билмоқ дунёни билишнинг калитларидан бири эканлигини барча далилу исботлар билан баён этади. Муаллиф жуғрофия илмида шуҳрат қозонган олимлар ҳақида гапирганда, албатта, Туркистон уламоларини меҳру муҳаббат билан тилга олади. "Туркистон уламоларини ҳаммасини аҳволи ва таснифотини ёзмақ лозим бўлса, ушбу китобимиздан ҳам каттароқ китоб тайёрламоқ керак бўладур", дейди. Ундан сўнг эса Туркистон уламоларининг номларини келтириб ўтади. Булар: Кўрагоний Самарқандий (Мирзо Улуғбек), Муҳаммад Хўжандий, Али бин Можаров ўғли Ҳасан, Абдулла Фарғоний, Абу Райҳон Хоразмий, Гиёсиддин Самарқандий, Гиёсиддин Муҳаммад Ҳиротий, Муҳаммад Фарғоний, Ҳофиз Аbru Ҳиротий, Абу Саъд Самъоний, Абдураззоқ Самарқандий, Мир Абдулкарим Нажарий... Муаллифнинг ушбу фузалоларни тилга олишдан мақсади, Туркистон аҳлининг шу кунгача на қадар илму урфонга ошнолигини ва ҳатто бутун дунёни олам уларнинг ижодларидан баҳраманд бўлганлигини кўз-кўз қилиш эди. Бу жуғрофия илми биз учун янгилик эмас, балки у бизнинг бобомерос илмимиздир, деган фикрни илгари суради. Бугунги илмсизлик аҳволи эса мустабидлик сиёсати сабаб эканлигини ишоралар билан кўрсатишга ҳаракат қилади. "Оврупо ё Русияни 15 яшар бир шогирди бизни 50 яшар савдогар ё мулларимиздан дунё илми тўғрисиға яхши хабардордир", дейди муаллиф куйиниб. Бугун аҳли дунё телеграф, телефон, ҳар хил машиналар ихтиро қилиб, тараққиётга юз тутмоқдаки, бизнинг Туркистон мусулмонлари ҳали ҳам "Ер ҳўкуз шохига, ҳўкуз балиғга, балиғ сувга, сув ҳавоға, казо-казо" , деган авомона ҳаёл билан юриб- дилар, дейди. Бехбудийнинг бу сўзлари нафақат ушбу китоб мўлжалланган мактаб шогирдларига айтган бу нарса балки, бутун Туркистон аҳлини ўйлантирадиган масалалардан бири эди. Ер ҳақидаги қарашлар доимо икки хил ихтилоф билан давом этиб келган. Муаллиф буни қуйидагича келтиради: "Баъзи уламоларни китобларига ер сокин, янги уламоларни китобларига ер айланадур, деб таъкид қиладур", дейди. Ушбу масалани ойдинлаштириш учун муаллиф диний билимларнинг пирларидан бўлган ҳазрат имом Ғаззолийга мурожаат этади, унинг асарларида ҳам ер ҳўкуз устида туради, деган гапни асло учратмай, балки, ер ҳавоға муаллақ турганлигини нисбат берганини айтиб ўтади.

Бехбудий жуғрофий ҳодисаларни баён этар экан, унинг тушу- нарли бўлиши учун ўринли ва қизиқарли ўхшатишлар топади. Оқибатда, бу ўхшатишлар болалар онгига тез етиб боришига сабаб бўлади. Масалан, "Тоғ ва сойлар ерни юмалоқлигига зарар қил- майдур" сарлавҳаси остида берилган мақолада "Ер ила тоғни нисбати шундайдики, бир катта тарвуз устига бир дона қора қумни қўйилганидек, яъни ерни бир тарвуз фараз қилса ўн минг газлик баланд тоғ они олдиға биро дона қора қумдек..." , деган

қизиқарли ўхшатиш қилади. "Ер айланганда устидагиларни йиқилмаслиги" сарлавҳаси остида баён қилинган фикрларда эса, козуқга боғлаб қўйилган отдек, еримиз марказ шамсия атрофига оний жозиба арқонини ўзунликига қараб айланиб узок кетармайдур", деган ўринли ҳам мантиқли ўхшатиш ясаиди. "Харита" сарлавҳаси остида, бу жуғрофий атамани тушунтирар экан, уни, "Одамни шакли ва ҳайъати нақадар катта ё ниҳоят кичик қилиб кўрсатмоқ суврати кишиларга мумкинлигидек илм аҳлига ерни шаклияти истаганларича кичик қилиб кўрсатмоқ мумкиндир", деб харита ҳақида тушунча беради.

Бехбудий ибтидоий даврдан бошлаб инсоният тарихида рўй берган машҳур воқеалар ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилади ва саналар асносида бу воқеаларнинг тартибини тузиб чиқади. Масалан, 2920 санада деҳқонлик асбоби ясалгани, 2723 санада зайтун дарахти экилгани, 2725 санада либос тикилмоқлик бошлангани... Худди мана шундай воқеалар батафсил баён этилади. Муаллиф ушбу дарсликка дунёнинг турли туман ҳодисалари ҳақида кўпроқ маълумотлар беришга ҳаракат қилади. "Дунёнинг оқчалари" сарлавҳасида дунё пуллари ҳақида қизиқарли маълумот беради. Масалан, Танга (кумуш), тилла (олтун)- Бухоро, танга (кумуш) - Хива, Килдор (кумуш) - Ҳинд, рупия (кумуш) - Афғон, +ирон (кумуш) - Эрон, Ян (кумуш) - Япон, Лира (олтин) - Усмоний, фунт (стерлинг) - Англия, Франк (кумуш) - Франция, Марк(кумуш) - Германия, Дуллар (кумуш) - Америка ... каби.

CONCLUSION

Дарслик сўнгроғида "Муаллифдан эълон" ёзуви остида Бехбу- дийнинг ўзи яратган китоблари ҳақида маълумотлар берилган. "Алифбо мактаби исломия" эълонида "Болалар учун усул жадида узра форсий тилга қирқ саҳифалик бир китобчадур. Риқъий хат ила 4-5 қалам хат ўтқарилиб ўзимиз таъб ва таҳрир этганмиз", деб ёзади ва унинг баҳосини ҳам кўрсатиб ўтади. Бундан шу нарса кўринадики, Бехбудий ўзи яратган китоблари тарғиботида, ушбу дарсликларида ҳам унумли фойдалана билган. Китобнинг энг сўнгги саҳифаларида Шимолий ва Жанубий Африка, Оврупо, Австралия, Русия каби мамлакатларнинг хариталари илова қилинган. Бехбудийнинг "Мунтахаби жуғрофияи умумий" дарслиги хусусида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, муаллиф ўз олдида қўйган усули жаид мактабларининг ўрта синф шогирдларига энг умумий жуғрофий маълумот бериш вазифасини ўз ўрнида бажара олган. Юқорида кўриб ўт-ганимиздек, бу китоб нафақат мактаб шогирдлари, балки Туркистоннинг барча афкор оммаси учун ҳам қулай бир қўлланма эканини кўраимиз.

REFERENCE

1. Бехбудий М. Мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия.- Самарқанд:- Типография Г.И. Демурова.1906 йил,103-бет.
2. Бехбудий М. Тарих ва жуғрофия. Туркистон вилоятининг газети.-1908йил.-1декабрь.-№ 90.
3. Бехбудий М. Қасди сафар.Оина.-1914 йил.-№ 31.-598-600 б.
4. Бехбудий М. Болконми, Вулкон?. Самарқанд.-1913 йил.- 30 апрель.-№5.